Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 135 (6.026) • 1986 йил 13 июнь, жума • Баҳоси 3 тийин.



# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАРАКАТИМИЗ ҚЎЛЛАНМАСИ

## Мукофот муборак!

**СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан СССР Рангли металлургия министрлиги бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг бир группа ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Шу жумладан Тошкент шаҳридан қуйидагилар юксак мукофотлар билан тақдирландилар:**

**Халқлар дўстлиги ордени билан**

**Шарипов** Жаҳонгир Аҳмаджонович — «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси слесарлар бригадири.

**Ҳурмат белгиси ордени билан**

**Снятков** Владимир Витальевич— «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси силлиқловчиси.

**III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан**

**Буянов** Виктор Петровқч — «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси катта мастери.

**Мирраҳимов** Миралим Мирсаидович — «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси.

**«Шавкатли меҳнати учун» медали билан**

**Абдуллаева** Мизифа Бекпўлатовна — «Ўзбекзолото» бирлашмаси катта инженери.

**Баришникова** Лидия Викторовна — «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси,

**Грабельникова** Галина Николаевна — «СредазНИИпроцветмет» институти группа раҳбари.

**Коробовцева** Валентина Владимировна — «СредазНИИпроцветмет» институти катта инженери.

**Чемирисов** Николай Яковлевич — «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси.

**Шупегин** Валерий Васильевич — «Цветметэлектропроект» институти бўлим бошлиғи.

**«Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан**

**Лукьянов** Григорий Кондратьевич— «Узбекзолото» бирлашмаси слесари.

**Синельников** Сергей Васильевич — «Вторцветмет» Ўзбекистон бирлашмаси эритувчиси.

**Утаков** Абдували Саматович — «Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмаси радиомонтажчиси.

Юксак мукофот муборак!

**Қурилишлар ҳашарга чорлайди**

## Метрополитенчилар маъқуллашди

Яқинда бўлган касаба союз йиғилишида комсомол-ёшлар ажойиб фикрни ўртага ташлашди. Сабохат Ирисматова, Игорь Колпаков, Владимир Ли, Сайёра Маҳаметовалар сўзга чиқиб Волга автомобиль заводининг коллективи яхши ташаббус бошлаганини айтишди. Улар бу ташаббусга қўшилиб, ишдан бўш пайтларда тўрт кун метрополитен ишчи ва хизматчилари учун бунёд этилаётган 220 ўринли ётоқхона қурилишида ишлашга сўз беришди. бу даъват бошқа ходимларни ҳам ташаббусга қўшилишга ундади. Барча ишчи ва хизматчилар ишдан бўш пайтларда қурилишда тўрт кун ишлашга аҳд қилдилар.

Ётоқхона қурилишини жадаллаштириш, ишнинг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида махсус штаб тузилди. Қайси бригада ва ишчи қайси муддатда объектда ишлашининг графиги тузиб чиқилди. Натижада ётоқхона қурилиши бир мунча жадаллашди. Ҳозир ҳар куни бу ерда асосий сменасидан сўнг меҳнат қилаётган кишилар 10—15 ишчини ташкил этмоқда. Шу кунга қадар 300 дан зиёд ишчи ва хизматчи қурилишда меҳнат қилди. Шуни ҳам айтиш кераккки, улар фақат объектни тартибга келтириш, қурилиш материалларини саранжом-саришталашдагина эмас, бевосита бунёдкорлик ишларида ҳам иштирок этишяпти. Шу жиҳатдан Октябрь район Советининг депутатлари Н. Ҳакимова ва С. Кулаковларнинг ибрати диққатга сазовордир. Улар монтаж ишларида ҳам жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Яхши ташаббуснинг қаноти бўлади деганларидек, коллективнинг режалари тобора кенгайиб бормоқда. Ишчи ва хизматчилар сменадан бўш пайтларида Чорвоқ дам олиш зонасида бунёд этилаётган пионер лагери ва профилакторий қурилишида ҳам иштирок этишни режалаштириб қўйдилар. Уларнинг ишдан бўш пайтда қилган меҳнатлари метрополитен ишчи ва хизматчиларининг меҳнат шароитини яхшилаш, дам олишини юксак савияда ташкил этишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

**У. САПАЕВ,**

**В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени касаба союз комитетининг раиси.**

«Тошкент оқшоми»нинг ўз мухбирлари ва жамоатчи муаллифлари ёзадилар:

## Якунловчи машғулотлар олдидан

**«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида партия ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларидаги якунловчи машғулотларга ҳозирдан қизғин тайёргарлик олиб борилмяпти. Бу ерда 17 июнда партия маорифи системасида, 18 июнда эса иқтисодий таълим системасида якунловчи машғулотларни ўтказиш мўлжалланган.**

**Барча партия ўқуви ва иқтисодий таълим мактабларида партия тарихини, экономикани, фалсафа ва бошқа фанларни ўрганиш, иқтисод ва тежамкорлик омилларини излашни бевосита КПСС XXVII съезди ўртага қўйган конкрет вазифалар билан боғлашга муҳим эътибор қаратиляпти. Съезд қарорларини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган жанговар ишларда машғулотлар таъсири яққол сезилиб турибди: ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, таннархни камайтириш, бригада усулини такомиллаштириш ва бошқаларда қўлланилаётган билимлар ижобий самара беряпти.**

## Ҳар бир коммунист иши

КПСС XXVII съезди мамлакатни интенсив тараққий эттириш режаларини белгилаганда инсон омилини ҳар томонлама активлаштиришни ҳам уқтириб ўтди. Бинобарин, жадаллаштириш программасини изчил амалга оширишда меҳнаткашлар оммасига идеологик таъсир кўрсатиш, идеология ишларини такомиллаштириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўпгина коммунистлари буни яхши тушунадилар.

Транспорт цехи, 33-йиғув цехи ва бошқа цех ва бўлимларнинг партия ташкилотлари бу борада катта иш олиб бормоқдалар. В. Абдуллаев, А. Тўйчиев сингари ўнлаб коммунистлар съезд қарорларини коллектив ўртасида кенг тушунтирибгина қолмай, балки ўзлари ҳам кўпчиликка меҳнатда намуна бўлмоқдалар.

## Ижодий активлик асосида

**Ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йилида бирлашмада ишларни қайта қуриш бўйича амалий тадбирлар кўриляпти. Тракторсозлар республика халқ хўжалигига кўплаб янги машиналар ва эҳтиёт қисмлар, янги техника тайёрлаб бериш юзасидан катта амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда. Масалан, бирлашмада янги техника ва технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, автоматик равишда роботлаштирилган янги линияни ишга тушириш бўйича ибратли ишлар қилинди.**

**Шу кунларда барча участкаларга партиявий таъсирни кучайтириш чора-тадбирлари кўриляпти. О. Карпова, Ҳ. Ҳошимов ва бошқалар етакчилик қилаётган цех партия ташкилотлари ўз ишларини съезд талаблари руҳида ташкил этишга, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суратда ошириш, маҳсулот таннархини эса камайтиришга эришишяпти.**





**Бундан йигирма йил муқаддам ана шу уйларнинг ўрни ям-яшил далалардан иборат эди. Шаҳримизда юз берган табиий офат— зилзила оқибатларини тугатиш мақсадида пойтахтимизнинг жануби-ғарбий чеккасидаги ана шу япангликда уй-жой бинолари қуришга киришилди. Натижада бу ерда Сергели райони барпо топди.**

**Кейинги йилларда район қиёфаси замонавий тус олмоқда. Бир-биридан чиройли ва ҳашаматли бинолар қурилиб ишга туширилмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: Сергели массивида бунёд этилган замонавий уй-жой бинолари.**

**Иккинчи суратда эса районда ишга туширилган йиғма-блокли уйсозлик комбинатининг азамат қурувчиларидан бири Тўлқин Эргашев. У Ю. Ҳакимов бошлиқ комплекслашган бригадада пайвандловчи бўлиб ишлайди.**

**Т. Каримов** фотолари.

**Замондошимиз**



**Салима опа Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтига ишга келган йили туғилган бола бу йил ропа-роса 25 га тўлади. Яна ҳам оддийроқ қилиб айтилса у чорак асрдан буён ўсимликлар таркибини ўрганади, ундаги фойдали моддаларни битта-битта териб олиб дори-дармонлар тайёрлашга ҳисса қўшади. Бу маскандан саломатлик хизмати учун «бел боғлаб» сафарга отланган дориворлардан ўнга яқини медицина саноатида кенг ишлаб чиқарилмоқда.**

**Институтда 18 та лаборатория мавжуд бўлиб, уларда 200 га яқин илмий ходим заргарона меҳнат қилади. Химия фанлари кандидати Салима Ориповaнинг эса улар орасида ўз ўрни, ўз иш услуби ва табиийки, режа-мақсадлари бор.**

**Уни бир кўрган одам шифокорга ўхшатади. Эгнида оқ халат, боқишлари самимий ва ўйчан, камгап ва жиддий. Улуғ аллома Абу Али ибн Сино «Шифокорда лочиннинг нигоҳи бўлиши керак», деган экан. Бу гап айни ушбу институт ходимларига нисбатан айтилса ҳам бўлар экан ўзи. Чунки, оддий ўсимлик, айтайлик кўпчилигимиз билмайдиган бир туп сув ўти баргидан дориворлар тайёрлаш учун шубҳасиз, ўткир нигоҳ лозим. Ва яна инсоний бир ҳафсала, қунт, сабот ҳам керак.**

**Йигирма беш йилдан бери оддий ўсимликка термулиб, унинг энг фойдали томонларини элга маълум қилиб келаётган олима ўз касбидан мамнунмикан!**

**— Албатта мамнунман, — дейди унинг ўзи. — Чунки мақсадимга етишганман: ўзим севган касб эгасиман. Умуман, мухбир ука, Сизга бир гапни айтсам, ўсимликлар дунёсидан қизиқроғи йўқ...**

**Эҳтимол шундайдир. Лекин мен яна бир нарсага ҳам аминман. Салима Ориповага ўхшаб ҳалол меҳнат қилиб эъзоз топган онахонлар дунёсининг ҳам қиёси йўқ.**

**Бу дунёнинг номи —Фидойиликдир.**

**Суратда: химия фанлари кандидати С. Орипова иш устида.**

**Факт ва шарҳ**

## Халқаро музика конкурси

**Москвада Чайковский номидаги XIII Халқаро музика конкурси очилди. Унда биринчи марта Ўзбекистон вакили— Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси қошидаги республика ўрта махсус музика мактабининг тарбияланувчиси Алёша Султонов қатнашяпти.**

**Мухбиримиз мактаб директори И. Ғ. Йўлдошева билан телефон орқали боғланиб истеъдодли ўқувчи, унинг педагоглари, халқаро конкурс ҳақида ҳикоя қилиб беришни сўради.**

— Алёша Султонов ўнинчи синф ўқувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тамара Афанасьевна Попович қўлида фортепьяно класси бўйича шуғулланади. Халқаро конкурс қатнашчиси мактабимизда олти ёшидан тарбияланмоқда. У ўз устида кўп ишлайди, музикани ғоятда севади. Тенгдошлари каби турли ўйинларда қатнашишни яхши кўради, бадиий асарларни севиб ўқийди, расм чизиш билан шуғулланади. Турли концерт ва конкурсларда қатнашади. Биз Алёшани ушбу обрўли конкурсга яхши орзу-умидлар билан кузатдик.

**— Ирма Ғуломовна, Алёша бошқа халқаро конкурсларда ҳам иштирок этганмиди?**

— Шопен номидаги халқаро конкурс учун номзодлар саралашдан ўтган. Лекин ёши саккиз ой етишмаганлиги учун унда қатнаша олмади. Шундан кейин у «Прага концерти» радиоконкурсининг лауреати бўлди. Шу нарсани ҳам қўшимча қилиш керакки, А. Султонов Москва консерваториясида профессор Лев Николаевич Наумовдан консультация олиб туради.

Шундай қилиб Чайковский номидаги конкурс бошланди. Бу кўрик уч турда ўтади. Унда тўрт ихтисослик — фортепьяно, скрипка, виолончель, якка ашула айтиш бўйича маҳорат намойиш этилади. Конкурсда жаҳоннинг 46 мамлакатидан 400 дан ортиқ даъвогар қатнашмоқда.

Биз ёш музикачига ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

## Ижодий ҳамкорлик

**Бу бадиий ҳаваскорлик коллективига рамзий маънода «Нилуфар» номи берилган. Тўқимачилар маданият саройида унинг фаолият кўрсата бошлаганига ўн йил бўлди. Бу орада ижодий коллективда қатор истеъдодли ёшлар етишиб чиқди. Уларнинг айримлари «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижодий составига қўшилдилар.**

**«Ялла» ансамблининг оталиқ ёрдами билан «Нилуфар» бир неча жозибали номерларни тайёрлашга муваффақ бўлди. Янги ўрганилган «Дўппи», «Чойхона» деб номланган қўшиқларнинг муваффақият қозонишида ҳам таниқли ансамблнинг муносиб ҳиссаси бор.**

## Партия ходимлари ўқуви

Кеча Тошкентдаги партия комитетлари секретарлари ва масъул ходимларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда меҳнат коллективларини КПСС XXVII съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишда партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий ишларини кучайтириш, сиёсий ядро сифатида уларнинг ролини ошириш борасидаги актуал масалалар қараб чиқилди. Семинарда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретарлари докладлар билан чиқдилар.

Семинарнинг ялпи ва секция мажлисларида унинг қатнашчилари партия комитетлари иш услубини қайта қуриш бўйича тўплаган амалий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

**Акс садо**



## «Шаҳримизга пиёдалар зонаси керак»

«Тошкент оқшоми», 1986 йил 23 май.

**Оқшомхонлардан шаҳарсозликнинг барча талабларига жавоб берадиган пиёдалар зонасини ташкил этишга доир кўплаб хатлар олинмоқда. Бугун ана шу мактублардан бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

## Жуда яхши ўйланибди

**Менинг фикримча пиёдалар зонаси учун энг қулай жой— шаҳримизнинг қадимги ва навқирон қисми —Эски Жўвадир. Яъни Сағбон, Беруний, Навоий, Ҳамза кўчалари оралиғи территориясидир. Шуни ҳам айтиш керакки, бу зона Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғи, Хадра майдони, цирк атрофи, Калинин номидаги майдон, «Спартак» стадиони, «Ёш гвардия» театри, ёш томошабинлар театри, ёдгорликлардан — «Кўкалдош» мадрасаси, Жомий масжиди, қолаверса келажакда бунёд этиладиган «Шаҳристон» давлат тарихий-меъморчилик этнография музей-қўриқхонаси ва ниҳоят «Ёпиқ бозор» ва унинг олди майдонларини ўз ичига оларди.**

**Зонанинг бу ерда ташкил этилиши билан аҳолининг ҳамма турдаги жамоат транспортидан фойдаланиши учун имконият яратилади. Ҳатто келажакда метрополитендан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.**

**Т. ҒОИПОВ,**

маданий ёдгорликларни таъмирлаш Ўзбекистон илмий текшириш лойиҳалаш институти ходими, архитектор.

## Айни муддао

Шаҳримизда пиёдалар зонаси бир жойда эмас, балки икки-уч жойда ташкил қилинса айни муддао бўларди. Авваламбор, бундай зонада йўловчилар учун ҳам, шу атрофда истиқомат қилувчилар учун ҳам қулай шарт-шароитлар— маиший объектлар, савдо дўконлари ва расталар бўлиши, бўлмаса —яратилиши керак.

Менинг таклифим: Тошкент темир йўл вокзали майдонига олиб бориладиган йўллардан бирини ана шундай зонага айлантириш керак. Маълумки, бу жойларда тарихий революцион воқеалар содир бўлган, 14 Туркистон комиссари ёдгорлиги ҳам шу ерда. Бу ёдгорликдан Т. Шевченко кўчаси бўйлаб тўғри «Коммунарлар хиёбони»га, ундан сўнг эса «Инқилоб хиёбони»га чиқиш мумкин. Бу албатта, бир таклиф. У амалга ошадими, шаҳар транспорти ва бошқа эҳтиёжларга мос келадими йўқми— мен бу томонларини ҳисобга олмадим. Ягона хулосам пойтахтимизда, албатта пиёдалар зонасини вужудга келтириш керак.

**М. КАРИМОВ,**
**хизматчи.**

## Кўча тарихий бўлса...

**Москвадаги Арбат кўчаси ҳақида кўп эшитганмиз, унинг пиёдалар юрадиган ажойиб кўчага айлантирилганини телевизорда ҳам кўрганмиз. Ана шу ҳақда ўйлаганимизда, кўз ўнгимизда дарров Навоий кўчаси пайдо бўлади. Албатта, мазкур кўча шаҳримизнинг марказий кўчаларидан бири, кўплаб транспорт ўтади. Ушбу кўчани пиёдалар зонасига айлантириш учун қатор проблемалар туғилиши мумкин, уларни ҳал қилиш учун маблағ ва имкониятлар талаб этилади.**

**Шунинг учун Навоий кўчасини қўя турайлик-да, бошқа бир таклифимизни айтсак. Бизнингча, Ленин номли майдондан тортиб «Инқилоб хиёбони»гача бўлган кўчалардан бирини пиёдалар зонасига айлантириш лозим. Бундай зонани вужудга келтиришда кўчанинг, жойнинг тарихий, тарихий эмаслигига биринчи эътиборни қаратиш керак. Таклифимиз айнан шунга мос келади деб ўйлаймиз.**

**О. МАМАЮСУПОВ,**
**Н. ТОЖИДДИНОВ,**
**студентлар.**

## Сўнгги соатда

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА**

**БУГУН**

**тўртинчи группада ҳам нимчорак финал қатнашчилари маълум бўлди. Уч карра жаҳон чемпиони Бразилия терма командаси Гвадалахара шаҳрида Шимолий Ирландия футболчилари устидан 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Бразилияликлар дастлабки босқичдаги барча матчларда ғолиб чиқиб, ўз группаларида биринчи ўринни эгаллашди. Шу группада кураш олиб борган Испания ва Жазоир терма командаларининг баҳси 3:0 ҳисобида испанларнинг фойдасига ҳал бўлди.**

**Бошқа матчларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Аргентина — Болгария — 2:0, Италия — Жанубий Корея — 3:2, Бельгия — Парагвай — 2:2, Мексика — Ироқ — 1:0, Англия — Польша — 3:0, Португалия — Марокаш — 1:3.**

**Барча совет футбол мухлисларини нимчорак финал ўйинларида СССР терма командасининг рақиби қайси команда бўлар экан, деган савол қизиқтирмоқда. Сўнгги хабарларга кўра мамлакатимиз футболчилари Леон шаҳрида бельгиялик футболчилар билан учрашишади.**

**КЕЧА**

**бешинчи группада жаҳон биринчилиги дастлабки босқичининг сўнгги ўйинлари бўлади. Унда Дания ва ГФР, Шотландия ва Уругвай терма командалари ўзаро беллашишади.**

